

Бекободликлар Болгарияда голиб




2



3

Омад калити
қўлимизда



Ғиёс БОЙТОВ:

Орзулар ушалди
бугун!

4

ТАРБИЯ:

Биз учун ё ҳаёт, ё...



8

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ФОНД ФОРУМ ТАШАББУСИ БИЛАН...

Ҳар байрамнинг ўз шукуҳи, таровати бор. Юртимиз мустақиллигининг 21 йиллик шодиёналари мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори қалбларга муҳрланган. Истиқлол айёми арафасида йилнинг энг катта маданий-маърифий лойиҳалари, хайрия тadbирлари давом этаётир.

Яқинда Тошкент вилоятида бўлиб ўтган "Келажак овози-2012" медиа оромгоҳининг тантанали ёпилиш маросимида ҳам "Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" жамғармаси ва ҳамкор ташкилотларнинг энг йирик лойиҳалари натижалари тилга олинди.

"Мустаҳкам оила йили" муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган кенг қамровли "1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўй" хайрия лойиҳаси



туфайли бугунги кунда кўплаб хонадонларда бахт шамчироғи ёнди. Жойларда саховатпешалик, бағрикенглик аъёналари жонланди. Шароит тақозоси билан тўй қилишга қурби етмаётган ёшлар

бир-бирига меҳр-муҳаббат ришталари билан боғландилар. Жорий йилнинг 25-26 июнь кунлари Жиззах вилоятида ўтказилган хайрия тўйларида мазкур лойиҳа муаллифи Гулнора Каримованинг ташаббусини қўллаб қувватлаган вилоят ҳокимлиги ҳар бир келин-куёв учун Фафур Фулом номидаги нашриётда чоп этилган Алишер Навоий ҳазратларининг "Танланган асарлар тўплам"ларини совға сифатида тақдим этди. Демакки, 70 та оила буюх шоиримизнинг битмас-туганмас ҳикматлари нури билан ёришди.

2

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Ватан қаердан
бошланади? 2

Бувайша момо, 92 ёш:
Ношукрлик, нонтепкилик
қилганлар хор бўлади 3

Самарқанддаги
«Бешик тўйи»га чорлов 7

Ажрашиш осон, лекин 8

Етақчи жамоаларга
не бўлди? 8

ФОНД ФОРУМ ТАШАБУСИ БИЛАН...

(Давоми.

Боши 1-бетда)

Навоий вилоятида бошланган хайрия тўйлари тантаналари Наманган, Андижон ва Фаргона вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам давом этди. Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида ёшларнинг мустақил оилавий ҳаётга қадам қўйишлари учун имконият эшикларини очиб берди. Хоразм ва Сурхондарёда неча юзлаб инсонлар қалбига бахт улашди.

Суннат тўйлари нишонланаётган болалар жажжи юраклари билан эл-юрт меҳрини ҳис этдилар. Уларга ташкилотчилар ва ҳомийлардан велосипедлар, ўйинчоқлар ва спорт либослари тақдим этилди.

Ортимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Нукус шаҳри ҳамда Эллиқалъа туманидаги Тупроққалъа ёдгорлигида ўтказилган "Асрлар садоси" фестивалида ҳамюртларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари ва чет эллик меҳмонларни қорақалпоқ халқининг



жозибали миллий маданияти, санъати, мумтоз адабиёти, ўзига хос удумлари мафтун этди.

Қочиро Мацуура, ЮНЕСКО Бош директори махсус маслаҳатчиси:

— Махсус фестивални ташкил этганлиги учун Гулнора Каримовадан бениҳоя миннатдорман. У маданиятларни, тарихни, халқларни ақинлаштиришда, бирлаштиришда.

Жорий йилда кенг жамоатчилик эътиборига тушган йирик лойиҳалардан яна бири — "Ҳаёт учун" хайрия марафонининг якуний натижалари ҳисоб-китоб қилинганда, унда мамлакатимиз бўйлаб 60 минг киши иштирок этгани, жами 216 миллион сўм тўплангани маълум бўлди.

Хайрия марафони сўнггида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Гулнора Каримова Швейцариянинг «Novartis» компаниясидан «Зомета» ва «Фемара» онкологик дори-дармонларини харид қилиш учун «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмасига ўз ҳисобидан 25 миллион сўмлик чек тақдим этганини маълум қилди ва марафонга таширф буюриб, хайрия тадбир-

ларида фаол иштирок этганларга миннатдорлик билдирди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси ҳамда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг мамлакатимизда бу хасталикка қарши курашиш учун ўтказиётган лойиҳалари туфайли мамлакатимизда аёллар бепул тиббий текширувлардан ўтказилмоқда. 300 дан ортиқ аёл 900 миллион 430 минг сўмлик зарур дори-дармон билан таъминланди. 2 нафар оғир бемор Исроил ва Жанубий Кореяга бепул операция ва турли муолажалар ўтказиш учун юборилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимизда ёш истеъодларни қўллаб қувватлаш, уларнинг салоҳияти, билими ва имкониятларини янада юксалтириш борасида ҳам қўллаб қувватлаш лойиҳаларини амалга оширишда.

Саккиз йилдан буён ўтказилаётган «Келажак овози» республика танловида 388000 дан ортиқ, 2004 йилдан буён ўтказилаётган «Янги авлод» фестивалида 98000 дан зиёд ўғил-қизлар иштирок этишди. Танлов совриндорлари Фонд Форум томонидан грант ва дипломлар билан тақдирландилар.

Истиқлол ёшларимизга барча соҳаларда халқаро майдонларда ўз салоҳиятини намойиш этиш имконини берди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган лойиҳалар эса истеъодли ёшларимизга қанот бўлаётгани, ҳамюртларимизни тобора ўз атрофида жипслаштираётгани билан эътирофга лойиқ. Ватан тақдири шахс тақдирига, ҳар бир фуқаронинг ютуғи мамлакат иқболига айлансагина тараққиёт эшикларини очилади. Ортимиз истиқлолнинг 21 йиллик тўйи арафасида ҳамюртларимиз билан суҳбатлашсангиз, улар янада баландроқ мақсад-маъноларни кўзлаётганига гувоҳ бўласиз. Бу — мамлакатимизнинг эртанги янада иқболли келажигидан дарак беради.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,
журналист.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР



МУРУВВАТ ТАДБИРИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ижтимоий ўзаро ёрдам "Меҳрибонлик" ноғиронлар жамияти кўп йиллардан бери пойтахтимиздаги меҳр-мурувватга муҳтож инсонларни озиқ-овқат, дори-дармонлар билан таъминлаб келаётган нодавлат ташкилотларидан биридир. ОАЖ "ALSKOM" сугурта компанияси ҳамда "Umidxon taom" — тўйхонаси ҳомийлигида ўтказилган навбатдаги мурувват дастурхонига юз нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар тақдир этилди.

— Меҳмонлар орасида ноғирон бўлса-да, лекин жамият ишларида фаол қатнашиб, спортнинг турли йўналишларида мунтазам равишда шугулланиб келаётган ва қатор мусобақаларда қувонарли ютуқларни қўлга киритган совриндорлар ҳам бор, — дейди **мазкур жамият раиси Мавлуда Бобоева.** — Жумладан, шахмат ва шашка бўйича Фарҳод Гафуров, армистрелинг бўйича Назира Хайдарова, Ҳилола Мирзараҳимоваларни фахр билан тилга олишимиз мумкин.

Тадбир сўнггида уч нафар ибратли оила аъзолари ҳамда уч нафар спорт ишқибозларига ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

ТАҲРИРИЯТДА УЧРАШУВ

«Оила ва жамият» газетаси таҳририятида «Экосан» халқаро жамоат фонди аъзолари иштирокида Бутунжаҳон озон кунини мавзусига бағишланган учрашув ўтказилди. Ушбу глобал муаммо бугун нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги ёки эколог мутахассисларини, балки дунё аҳлини ҳам жиддий ташвишга солаётганлиги мазкур халқаро жамоат фонди томонидан кенг тарғиб этилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, фонд томонидан "Саломатлик жамоатчилиги нигоҳида", "Иқлим ўзгариши болалар нигоҳида" китоблари, "Саломатликнинг 10 та қоидаси" каби бир қатор экология, санитария-гигиенага оид буклет ва плакатлар, коллеж ва лицейлар учун "Экология" ўқув кўланмаси чоп этилганлиги ҳам эътиборга лойиқдир.

Мулоқотда икки ўртадаги ижодий ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ,
фонд бўлим бошлиғи.

ҚОРАТЕПАДА ЯНГИ МАКТАБ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллик байрамини Қарши тумани халқ таълими соҳаси вакиллари ҳам муносиб қаршиладилар. Янги ўқув йилида тумандаги 33-ўрта умумтаълим мактаби жамоаси қурувчилардан ажойиб совға олдилар.

Дарвоқе, Равшан Отақулов раҳбарлигидаги "Бешкент-дизайн-қурилиш-лойиҳа" ихтисослаштирилган хусусий корхонаси қурувчилари лойиҳа қиймати 1,5 миллиарддан ортиқ бўлган маърифат биносини ўз мuddатида қуриб битказишди. 240 ўринли синфхоналар қайтадан капитал таъмирланди, 630 ўқувчига мўлжалланган янги замонавий бино қишлоқ кўрқига кўрк бағишлади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

Ш у к у ҳ

ВАТАН КҮНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Юракнинг туб-тубидан отилиб чиқадиган сўз бу ВАТАНдир. У онамиздай меҳрибон, отамиздай жонфидо. У билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди. Нега десангиз, дунё кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини татиган кекса нуруний отахон ва онахонлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар юрт шаъни, Ватан қадри ҳақида баландпарвоз, ҳамма тўтиқушдек ёдлаб олган қуруқ гал-сўзларни эмас, балки ўзларининг оддийгина дил сўзларини изҳор этишади. Яъни ўзимизнинг заминда пишган бугдойнон ёки пешона теримиз эвазига етиштирилган оппоқ пахталаримиздан тайёрланган кийим-кечакларни, ёхуд бугун дунё автомобиль санатига эътироф қилинган машиналарни таърифлаб қўя қолишади. Ана сизга, халқона самимийлик!

Дарвоқе, бугуннинг ёшларини чин маънода энг бахтли авлод десак ярашади. Чунки юртимизда бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида улар учун яратилаётган шарт-шароит, имкониятлар ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб сўзласак оз. Шукрки, фарзандларимиз эришаётган муваффақиятлар бизларни қувонтирмоқда.

Шу ўринда улуг байрам арафасида кўнглимдан кечган ниятларни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Мустақиллик билан тенгдош бўлган авлодининг ёши 21 га етди. Бу кичкина ёш эмас, албатта. Шундай экан, вужудда фидойилик, энг муҳими, ватанпарварлик жўш уриб турган ёшларимизга тилагим: аввало, уларнинг жаннатмонанд юрtdа туғилиб, вояга етганининг ўзи бир бахт бўлса, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эъзоз алоҳида шараф, шукўқ бағишлайди. Демак, фарзандларимиз ҳам ана шу улуг эътиромга муносиб бўлмоқликлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

Солиҳа ЎРМОҲОВА,
Бўқа тумани ФХДЁ бўлими мудир.

МУНОСИБ СОВҒА

Тошкент вилояти Бекобод шаҳри Металлурглр маданият саройи қошида ташкил этилган «Стартин» миллий эстрада гуруҳи бир неча йилдан буён қўллаб қувватлаб фестивал ва танловларда фаол қатнашиб, юртимиз шаънини юксакларга кўтариб келмоқда.

Жамоа 2007 йил Ялтада ўтказилган "Крим юлдузлари" халқаро фестивали, 2008 йил "Янги авлод" фестивали, 2009 йилдан 2012 йилгача Козогистонда, Болгарияда ўтказилган турли танловларнинг ба-рида фахрли биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. "Стартин"чилар 22 августдан 28 августгача Болгарияда бўлиб ўтган "Речные ноты – 2012" халқаро фестивалида болалар ўртасида фахрли биринчи, катталар ўртасида эса 3-ўринни эгаллаб қайтишди. Бу ҳамюртларимиз ва бекободлик металлурглр учун байрам тўхфаси бўлди, десак арзийди.

Фахриддин Мамажонов, Металлурглр маданият саройи бадий раҳбари:

— Саройимиз қошида нафақат эстрада гуруҳи, балки, фольклор ва "Металлург" ракс дастаси ҳамда кўғирчоқ театрлари, мақомчиларимиз меҳнат ва изланишлари билан республикаимизда ўз ўрни ва салоҳиятига эга. Яна бир нарсани фахр билан айтишимиз мумкинки, бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда Ўзметкомбинат жамоасининг ҳиссаси беқиёс. Шунингдек, Бекобод шаҳар ҳокимлигининг эътиборини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Фестиваль иштирокчиларини бугун тонгда пойтахтимиз аэропортида Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасининг вакиллари ҳамда бош ҳомий — Ўзметкомбинат ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси ва голибларнинг ота-оналари тантанали кутиб олишди.

Турдикул НОРМАТОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.



ОМАД КАЛИТИ ҚЎЛИМИЗДА

Кўпинча ён-атрофимиздаги бирон кишининг ишлари юришиб кетса, унга астойдил ҳавасимиз келиб, "Қандини урсин, омад кулди-да", деб кўямиз. Албатта, бундай эътирофга сазовор бўлмоқ учун кўп довлонларни, йўлларни босиб ўтмоқ керак.

Бўка туманидаги "Учқун" фермер хўжалиги раҳбари, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби, туман кенгаши депутати Абдуқаҳҳор Ғафоров билан суҳбатлашиб қолсангиз, унинг ўзига хос ҳаётий фалсафалари ҳар қандай одамни ўйлантириб қўяди, ҳалол ва виждонан яшашга ундайди десак муболаға бўлмайди.

— Биласизми, омад, бахт деганлари бор нарса, фақат уларга эришиш учун инсоннинг ички ва ташқи дунёси гўзал бўлмоғи керак, — дейди Абдуқаҳҳор ака Ғафоров. — Тасаввур қилинг, аслида ҳар биримизнинг бу ёруғ оламга келишимиздан бошлаб, яшашимизгача бўлган даврнинг ўзи бир оғир синов, имтиҳон эмасми? Унутмайлик, бу ҳаётда яшар эканмиз, қилаётган ҳар бир эзгу амалимизнинг ҳисоби бор.

Ўзим ҳақимда сўзлайдиган бўлсам, мен тумандаги энг чека Кўкорол қишлоғида истиқомат қиламан. Бизлар яшаётган ҳудудлар қамишзор ва тўқайзорга ёндош. Ёшлик пайтларида падарни бузруқворимнинг қишлоқ четидаги майдонларни ўзлаштириб, турли кўчатларни эккани эсимда. Ёнлариди юриб, у-бу юмушларига қарашардим. Қарабсизки, ҳалиги боғимиз уч йил деганда бинойидай ҳосилга кирди. Шу десангиз, қувончим ичimgа сизга бериб. Кейинги йили мен ҳам ҳаракатга тушиб, анча-мунча ниҳол экдим. Ўшанда отамнинг "Омадинг бор экан, болам, кўчатларингнинг ҳаммаси бехато тутибди. Аммо ҳеч қачон омадинг ортидан соядек юрма, у сенинг изингдан эргашсин" деганлари хотирамда бир умрга муҳрланиб қолди.

...У мактабни тугаллаб Тошкент ирригация ва мелиорация институтига ўқишга кирди. Муҳандис-техник мутахассислигини эгаллаб, қадрдон қишлоғига қайтди. Оила қурди. Хўжаликдаги 20 гектарча қаровсиз ва қамишзор ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, ўзлаштиришга киришди. 1986 йилда оилавий пудратни ташкил этиб, дастлаб унумдорлиги паст ерларда пахта ҳосиллини 7 центнерга етказишди. Қарангки, мустақиллик шарофати билан ерга меҳр қўйган Абдуқаҳҳор акага ҳам катта имкониятлар эшиги очилди.

Замондошларимиз



1992 йилиёқ "Учқун" фермер хўжалиги ташкил этилди. Абдуқаҳҳор ака энди кимсан, ер эгаси — мулкдорга айланди. Бу бахт, омад эмасми?!

— Айни чоғда хўжалигимизда 15 дан ортиқ техника воситаси бўлиб, улар оғиримизни енгил қилаёттир, — дейди Абдуқаҳҳор ака. — Бир пайтлар шўр ва кам унум бўлган ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшила-ниб, ҳозирда галла ҳосилдорлиги 58 центнерга етказилди. Утган йили давлатга галла топшириш режасини 150 фоизга, пахтани эса 130 фоизга бажардик. Бу йил ҳам галламиз чакки бўлмади, 200 тонна сара дон етиштириб, режани 150 фоизга уддаладик. Худога шукр, пахтаимизнинг авжи ҳам кўнгилдагидек. 60 гектар ерга чигитнинг С-6524 навидан эккандик. Агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарганимиз учун ҳозирнинг ўзида бўлик кўсақлар пахта теришга

тайёр бўлди. Албатта, бунда Алижон Мирзакулов, Муродулла Маҳаммадиев, Жаббор Шарипов, Зумрад Эргашева, Ойгул ва Фуломжон Маматқулов каби хўжалигимиз аъзоларининг ҳиссалари катта бўлаёттир.

Абдуқаҳҳор ака нафақат Фермер, шу билан бирга халқ депутатлари туман кенгаши депутати ҳам. Унинг мақсади битта, у ҳам бўлса, қишлоқ ёшлари қомил, маънавияти бой инсонлар бўлиб етишсин. Шунинг учун ҳар йили хўжалик ёшларини даврий наشرларга обуна қилади, худуддаги мактабни таъмирлашга ҳомийлик қилади. Элда бўладиган тўй-маъракаларда саховат кўрсатади. Галла хирмонга тушди, дегунча бемор ва ногиронлари бор, боқувчисини йўқотган хонадонларни йўқлайди. Аммо у ҳеч қачон қилган яхшилигини бировга ошкор қилмайди.

— Дунёда эзгуликнинг номи ўзгармайди, — дейди фидойи фермер. — Инсон меҳнати билан улуг бўлади. Мен бир чека қишлоқнинг оддий фермери эдим. Президентимиз мана шу камтарингина меҳнатимни кадрлаб, 2000 йили "Меҳнат шухрати" ордени билан, 2011 йилда эса Мустақилликнинг 20 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирлаганларида халқимга бундан-да кўпроқ хизмат қилишга жазм этдим. 2008 йили Юртбошимизнинг вилоятига ташрифлари чоғида менга сўз бериб, бағрига босганида кўнглим тоғдек кўтарилди, инсон зоти қадр топаётган шундай овоз ва обод элда яшаётганимдан суюндим.

Бу оилга ҳамманинг ҳаваси келади. Абдуқаҳҳор ака билан Қимматой опанинг турмуш қурганига 31 йил тўлди. Пойдевори меҳр-оқибат устига қурилган турмушнинг мевалари ҳам ширин бўлар экан. Улар икки ўғил, беш қизни оқ ювиб, оқ тараб эл қаторига қўшишди. Ўригидан мағизин ширин, деганларидек беш набири бугун бува-бувииси атрофида парвона. Ҳалол меҳнатдан келаётган даромадлар эвазига уйлар қуришиб, қўша-қўша тўйлар қилишиб, орзу ҳавасларига етишди.

Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.

Тошкент вилояти.

Реклама ўрнида

БЎКА ТУМАНИ "ОЙДИН" ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ ЖАМОАСИ

Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами билан сиз азизларни чин юракдан табриқлайди! Оилангизга файзу барака, тўқин-сочинлик ва ҳамisha орас-талик, гўзаллик ошно бўлишини тилаймиз.

Наргиза ЖАЛИЛОВА, салон раҳбари:

— Бир йилки, "Ойдин" ўз номига муносиб равишда хотин-қизларимизга беминнат хизмат қилиб келаёттир. Истиклол шарофати туйфайли табриқор аёлларимизга қатор имконият ва имтиёзлар яратиб берилганлиги қувонарлидир. Масалан, бугунги кунда салонимизда ўндан ортиқ қизлар аҳолига йигирмага яқин хизмат турлари бўйича кўмак бериб келишмоқда. Айниқса, кейинги пайтда миллий либосларимизга бўлган қизиқиш кескин ортомқо. Бу эса бизга янада катта масъулият юклаши билан бирга, ўз малака ва тажрибаларимизни ошириб боришимизни талаб этади. Шу боис ҳам яқинда биз яна бешта янги иш ўрни очишни режалаштирдик.



БЎКА ТУМАН БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМФАРМАСИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

ватандошларимизни муборак байрам —
Ватанимиз мустақиллигининг
21 йиллик қуни билан самимий қутлайди!

Ақром РАҲАБОВ, бўлим раҳбари:

— Доно халқимиз "Қариси бор уйнинг париси бор" деган улуг ҳикматни бежиз бот-бот такрорламайди. Чунки дуоғўй кексалари қадрланган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Шу маънода ўз фаолиятимиз мисолида айтадиган бўлсак, туманимизда 10396 нафар турли хилдаги пенсионерларимизни ўз вақтида давлатимиз томонидан берилган нафақалар билан таъминлашда уларга ўн икки нафар ходимларимиз беминнат хизмат кўрсатиб келишмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Мустақилликнинг 21 йиллиги байрами билан бўлимимиз хизматидан фойдаланаётган барча бўқалик нафақадорларни самимий муборакбод этамиз!

АСРЛАРГА ТЕНГЛАШГАН МОМО

Бувайша момо Райимкуловани излаб, Бўка туманидаги "Маданият" маҳалласига борганимизда қизлари Жамила опа бизларни қарши оларкан, онаси бугун невараси Махлиёхоннинг унаштириш маросимида қатнашаётганини айтиб, шу ёққа бошлади. Йўл-йўлакай оналарининг бу йил 92 ёшга кирганларини изоҳлаб, ҳаёт бўлган олти фарзандидан тарқалган неваря-эваралар сони 120 нафардан ошиб кетганига алоҳида ургу берди.

Бувайша момо қариндош-уруғ, кўни-қўшилари қуршовида бўлгуси келинни дуо қилаётган эканлар. Мавриди келга, секин онахонни гапга солдик. Шундай табаррук ёшга кирган бўлсалар-да, у кишининг хотиралари ҳалиям мустаҳкам эканлиги бошидан кечган унутилмас воқеаларни бирма-бир эслганида шундоққина сезилиб турди. Айниқса, иккинчи жаҳон урушида шахид кетган ака-укалари, қишлоқдошларини эслаб кўзларига ёш олганида юраклар жимирлаб кетди.

— Оллоҳга минг қатла шукрки, тинч, осойишта замонларни кўрмоқ насиб этди, — дейди онахон қувона-қувона. — Қандай даврларни кўрдик, нон тиллодан қиммат эди, қизим. Бир ёғи очарчилик, бир ёғи, оти ўчсин-а уруш бошланган... Энди шулар ҳақида ёшларга айтиб берсам, ишонимшайди. Бундай тўқчилик, тўқинчилик қайда эди. Мен доим маҳалладошларимга тайинлайман: бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Ношукрлик, нонтелкилик қилганлар хор бўлади. Мустақиллик осмондан келгани йўқ, бундай улуг бахтга эришиш бизнинг халққа ҳам жуда қимматга тушган. Шунинг учун шукрона қилинг, биз кексалар дуоғўйимиз, ёшлар эса Ватан равнақи учун курашсин, ҳалол меҳнат қилсин!



Шу баҳонада бир янгиликни айтсам дедим, мени кўп мактаманг, ундан кўра суюқли неварам — мустақиллик тенгдоши Юсуфжон Худойбердиевни мактаб ёзсангиз, айти мудоа бўларди-да. Шу болам 21 ёшда, Тошкентдаги

Шуру бадавлатларимиз

юридик коллежини аъло баҳоларга тугаллаб, ҳозирги кунда Самарқанд шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабининг намунали ўқувчиларидан бири сифатида устозларидан раҳмат эшитяпти.

Бувайша момо биз билан хайрлашаётганларида содда, халқона оҳангда шундай дуо қилдилар: "Элда бўлсин омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, қувнаб кулсин кекса-ёшимиз, эсон бўлсин азиз бошимиз".

Нигора ЭРКИНБОЙ қизи.

Ушбу саҳифани тайёрлашда яқиндан кўмак берган Бўка туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитасига самимий миннатдорчилик билдирамыз.

— **Фиёс ака, истаймизми-йўқми, ҳар биримиз бир умр ўзлимизни топмоққа интилиб яшаймиз. Шу маънода сиз — эл назаридоғи инсон сифатида ҳаётда, санъатда ўзингизни қай даражада топдим деб ҳисоблайсиз?**

— Ҳозир катта оилада туғилиб ўсганман. Бизларни ота-онамиз ҳалол риққ-насиба билан боқиб, қизиққан соҳамизга йўналтиришга ҳаракат қилишган. Отам Аҳмадқул Бойтоев мактабда математикадан дарс берарди, шунинг учун бизнинг тарбиямиз, ўқимизга жиддий эътибор қаратган. Ёшли-


Саксонинчи йиллар охири тўқсонинчи йиллар бошида санъат оламига гуриллаган бир авлод кириб келди. Уларнинг ўзига хос услуби, ширали овози, дилларга ором бахш этувчи хонишлари ёшу қарининг қалбини бирдай забт этди. Мухлислар ўзларининг Нуриддини, Охунжони, Мухриддини, Фиёсларини кашф қилишди. Хали-хали эсимда: кўча-кўйда ҳам, тўй-тантаналарда ҳам ана шу бетаквор овоз соҳибларининг кўшиқлари янгради. Бу ўзига хос нолалар қалбиди қандайдир силри кўчиқлар содир бўлаётган ўсмирни ҳам, фарзанд доғида куйган онахонни ҳам, дўстидан азият чеккан инсонни ҳам, олис болалигини хотирлаётган отахонни ҳам бефарқ қолдирмади. Хўш, улардаги оханрабо янглиғ куч-сеҳрнинг сирини мада эди? Бошқалардан фарқи жиҳатлари нималарда кўринади?

Саҳифамизнинг бугунги меҳмони — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Фиёс Бойтоев** билан мураккаб санъат йўли ҳамда санъаткорлик даражаси, савияси хусусида суҳбатлашдик.

Фиёс Бойтоев:

АРМОНЛАР, ОРЗУЛАР УШАЛДИ БУГУН!

гимда мендан қайси касб эгаси бўласан, деб сўрашса, ҳеч иккиланмай, “шифокор” деб жавоб берардим. Лекин оиламиздаги муҳит, айниқса, отамнинг мусиқага меҳри, қизиқиши кучли бўлганлиги боис, ўзимизча турли соҳаларни чалиб кўриш, кўшиқлар хиргойи қилиб юришимизга туртки бўлган. Баъзан у кишининг ўзлари ҳам азбаройи қизиққанликлари учунми, айрим урма асбобларни чалардилар. Хонадонимизда доим устоз санъаткорларнинг кўшиқлари янграб турарди. Отамнинг урушда бирга бўлган яқин дўсти ҳеч қимийўқлиги сабабли бизникида яшарди. У киши ҳам скрипкани жуда яхши чаларди. Хуллас, муҳитнинг таъсирими ё Худо юктирган иқтидорим, мен ҳам ўн ёшимдан бошлаб кўшиқлар айта бошлаганман. Кейин менга рубоб сотиб олиб беришди. Уша маҳалдаги қувончимни сўз билан таърифловмайман ишонсангиз. Уйимизга ким келса, рубоб чалиб бераман. Боғимиздан пастликда катта анҳор оқиб ўтарди, тўқай дердик. Шу жойнинг атрофида ўйнаб юрардим. Кўни-кўшни, қариндошларимизнинг болалари орқадан қолмай ғуришарди, “мусиқа чалиб беринг, кўшиқ айтиб беринг” деб. Яна кўпчилиги қизлар денг. Йўқ дея олмайман, ўз билганимча нималарнидир машқ қиламан. Ҳаммага қизиқда. Ушанда қишлоғимизда акаларимиз, опа-сингли, дўстларимиз билан “Шодлик” деган ансамбль ҳам тузганмиз. Гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси кўшиқ ҳам айтарди, аккордеон, рубоб, доира — мусиқа асбобларидан барини чалиб кетарларди. Шундай қилиб мактабни битирганимдан сўнг, Аваз акам, Суннатилла Акрамов, Саидакбар Саидов, Мансуртой Абдурашулов каби устозларим “Сенда иқтидор борга ўхшайди, яхши кўшиқчи бўламан, десанг Қошкентга олиб кетамиз” деб пойтахтга етаклаб келишган. Уқишга киргач, икки йилча кўшиқ айтадим. Кейин институтимиз қошида ташкил этилган “Нилуфар” ансамблига қатнаш бошладим. Илк марта 1981 йилда “Насибан” деган кўшиқчи телевидение орқали айтиб чиққанман. Санъат соҳасида ўзимни топдим ёки тополмадим, десам, менга ярашмайди. Бу саволга яхшиси, мухлислар жавоб беришса, яхши бўларди. Чунки мен ўзимни ҳамон ҳаёт



бизлар жонжигарлардек аҳил ва иноқ эдик, орамизда ҳеч қачон б и р о н кўнгилсизлик, навбат талашиб, низо чиқмаган. Асосийси, ақсарият кўшиқларимиз руҳан жуда яқин ва энг муҳими, тақлиддан йироқ эди.

Тақдирни қарангки, бугун ана шу кадрдонларимнинг айримлари орамизда йўқ. Уларнинг ўрни,

аталмиш улкан мактабда сабоқ олаётган одам деб ҳисоблайман. Бир кўшиқда айтилганидек, “эллингичи синфдаман”...

— **Биламизки, сиз дастлаб лирик кўшиқлар айтиб танилгансиз. Ҳозир ҳам деярли репертуарингизда энгил-елпи ижролар йўқ ҳисоби. Ҳозиргиларни қаранг, оммани ўзига қаратиш учун тўйбоб, кўчабоб шовқин-суронли овози билан ном қозонишга ҳаракат қилишяпти. Нима деб ўйлайсиз, лириканинг даври ўтди, ёки бўлмаса одамлар кўнгил билан ҳисоблашмай кўйишди-ми?**

— Биласизми, ҳар бир даврнинг куйланадиган мавзуси, шунга яраша кўшиқчиси ва тингловчиси бўлади. Бу табиий жараён. Кўшиқнинг куйи, шеъри ҳам шунга қараб яратилади. Тўғри, биз ижро этган кўшиқлар тингловчини ўйлантирган, маҳзун хотираларини ёдга солган, мушоҳадага чорлагандир. Ҳар бир мухлис тингловчиси бўлади ўз дардини, ички кечималарини ҳис қилгандир. Ўз ижодим мисолида айтадиган бўлсам, биринчидан, дилни забт этувчи ижод намуналаримнинг матни халқимизнинг семвли шоири раҳматли Мухаммад Юсуфга тегишли эди, иккинчидан, мусиқалари ҳам соф ўзбекона бўлган. Агар мактабига йўймасангиз бир сирни айтсам, шу вақтгача ижро этган кўшиқларимнинг

тўқсон фоиз мусиқасини ўзим яратганман.

Мен ҳозирги ёш кўшиқчиларни айбашдан йироқман. Онам раҳматли: “Болам, дарди бор йиғлайди, дарди йўқ ўйнайди”, дердилар. Нима талаб қилинаётган бўлса, шунга яраша тақлиф-да. Ёшлар тўй ё байрамларга кўшиқ тинглаш учун эмас, ўйнаб-кулгани, хурсандчилик қилгани бораептими, ижро ҳам шунга яраша бўлади. Лекин ҳақиқий санъатнинг мухлислари барибир бор. Хос доирада бўлса-да, яхши кўшиқнинг ўз тингловчиси топилади.

— **Тан олиш керакики, сизнинг тенгдошларингиз ҳам худди адабиётдаги сингарии санъатда ҳам етакчи авлод сифатида ном қозongan. Бугун эса бу аънаа шахсан менинг назаримда бироз унутилгандек туюлади. Санъатда авлодлар алмашиниш жараёни қандай кечади?**

— Жуда тўғри таъкидладингиз. Ҳақиқатан ҳам аввалига раҳматли Нуриддин Хайдаров, Қодир Мирашуров, мен, Рустам Ғойипов, 90-йиллар бошида эса Охунжон Мадалиев, Мухриддин Холиқовларни мухлислар кашф этишди. Ҳозирги замонавий ибора билан айтганда, ўша пайтдаги кўшиқларимиз хитга айланган. Энг эътиборли жиҳати, бизлар бир-биримиз билан ниҳоятда самимий муносабатда бўлганмиз. Мен ишонч билан айта оламанки,

овози ҳар қадамда сезилади, соғинаман. Лекин на илож, улар куйлаган соҳир кўшиқлар хали насиб этса, кўп йиллар халқимиз юрагида акс садо бериб тулравелади. Чунки Нуриддин Хайдаров, Охунжон ва Мухриддинлар чин маънода санъатга умрини, ижодини бахшида этган фидойилар эди. Биз бу ноиларни ҳар лаҳза ёруғ хотиралар билан эсласак арзийди.

— **Сиз ижодингизни бошлаган пайтларда шоу-бизнес деган тушунчалар йўқ эди, тўғрими? Лекин ҳақиқий санъат бор эди. Хўш, санъатнинг бозорлашуви ижобий ҳолатми?**

— Бир пайтлар кимдир менга “Хали шундай замонар келадикки, ўшанда санъатнинг қадри пул билан ўлчанади. Шундай кўшиқчи бўлингки, пулнинг ортидан сиз эмас, пул сизнинг ортингиздан қувсин”, деганида ажабланганман. Ҳозир анча кўнжидик. Баъзан тўйларга бориб қолсак, сенинг ёшинг улуғми, ундан кўра кўпроқ хизмат қилиб кўйганмисан, фарқи йўқ, мен олдин чиқаман, кейин сиз, дея навбат талашиб, айтишишган ҳолатларга ҳам гувоҳ бўлаёпмиз. Бозорлашув жараёни деганлари балки шудир. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам чинакам санъат ҳеч қачон бозорга солинмайди. У мухлислар кўнгилдан жой олади.

— **Санъаткор биринчи навбатда маънавият тарғиботчиси ҳисобланади. Бугун**

ёш хонандаларнинг ҳозиргина ўзингиз куйиниб айтган кўсурлари бошқа, эл севган кўшиқчиларнинг обрўсига соя солиб кўймайдими?

— Ғуруч кўрмагани бўлмайди, деганларидек, ёшларни айтасиз, ҳатто айрим катталар орасида ҳам ўз нафси, манфати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиганлари учрайди. Шахсан мен шундайлар чиқиб қолса борми, юзхотирлик қилиб ўтирмайман, нуқсонни юзига айтман, огоҳлантираман. Такаб-бурлар амал қилмайди, лекин ақлилари бирданага ўз айбини тан олиб, узр сўрайди. Мухлислар эса жуда зийрак, эътиборли, ҳаммасини ҳисобга олади.

— **Фиёс Бойтоевнинг ҳаётини принциплари қандай?**

— **Ҳалоллик, бировга ҳасад кўзи билан қарамаслик, ваъдага вафо қилиш.** Мана шу тамоийиллар билан яшайман. Кимдир катта муваффақиятларга эришса, ҳеч қачон кўнглим оғриб ҳасадим келмаган ё ўз фойдамни ўйлаб бировни ранжитмаганман. Менга қилинган ёмонликларга қарши ҳам кўнглимда ҳеч қачон ўч олиш фикри бўлмаган. Ҳаммасини Оллоҳнинг ҳукмига ҳавола этганман. Ғийбат ва ҳасад қилганлардан нафратланаман!

— **Сиз ҳеч қачон имиджингизни деярли ўзгартирмайсиз. Бу нима, соддаликка интилиши ё ўзлингизга содиқ қолиши?**

— Инсоннинг ташқи кўриниши унинг характери, феъл-атвори билан белгиланади. Шахсан мен эркак кишининг турлинишига, ўзига ҳадеб оро беришига бутунлай қаршиман. Ҳар хиллик, безаниш, ҳар ой имиджини ўзгартириш аёлларга хосда.

— **Сиз билан энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик айёми арафасида гурунглашяпти. Байрам тилакларингиз.**

— Тўғри, 21 йил тарих саҳифасида озгина муддат бўлиши мумкин, лекин бизнинг халқимиз учун асрларга татигулик давр десак янглишмаймиз. Шунинг учун ҳам бу қутлуғ сани ҳар йили фахрулфтоҳорга тўлиб нишонлаймиз. Биз санъаткорлар мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида ушбу муборак айём муносабати билан ўтказиладиган тантаналар, тадбирларда қатнашиб, юртимизда барча соҳалар бўйича амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб қувонамиз. Чунки айнан истиқлолгача бўлган жараёнларни ҳам кўрганмизда. Энди улар орасидаги фарқни қиёслайдиган бўлсак, еру осмонча фарқи борлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, одамларнинг кайфиятини айтмай-сиз, кўтаринчилик, хушқаққлик, энг муҳими, мустақилликнинг энг улуғ бойлиқ эканлигига ва бундай давру давронлар ота-бобларимизнинг армони, асрий орзулари бўлганини чин йракдан эътироф этишяпти.

Менинг тилагим, Ватанимизда тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва ҳамжихатлик ҳамisha барқарор, халқимизнинг дастурхони тўқин, турмуши фаровон бўлаверсин.

“Оила ва жамият” муҳбири **Шахноза РОФИЕВА** суҳбатлашди.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

ПАСТДАРҒОМ ТУМАН КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Истиқлолимизнинг 21 йиллиги билан барча ҳамюртларимизни самимий муборакбод этади!

Шундай файзиёб дамларда ҳаммангизни улуғ айём билан қутлаб, ишларингизга омад ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

Озод ва обод Ватанимиз осмони ҳамisha мусаффо,
мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



ЮРТИМИЗ АҲДИНИ ЭНГ
УЛУҒ, ЭНГ
АЗИЗ БАЙРАМ —
ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21
ЙИЛЛИҒИ БИЛАН САМИМИЙ
ТАБРИКЛАЙМИЗ!




Халқимизга барча соҳаларда эркинлик, имконият ва нурафшон йўллари очиб берган истиқлолимиз абадий бўлсин. Юртимизнинг мусаффо осмони узра порлаётган келажак қуёши ҳамisha умримиз ва қалбимизни ёритиб турсин.

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат ёр бўлсин, азиз
юртдошлар!



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ОҚҚҮРҒОН ТУМАНИДАГИ «БҮРХОН» ФЕРМЕР ХҲЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Халқимизни энг улуғ,
энг азиз байрам —
мустақиллигимизнинг
21 йиллиги билан
қизғин қутлайди!
«Муустаҳкам оила
йилли»да юртимиздаги
ҳар бир оила қўрғони
муустаҳкам, тотувлик
ва хотиржамлик,
бахт-саодат ҳамда
файз-барака
юртимизда ҳар доим
барқарор
бўлсин!



ТАБРИЙЛАЙМИЗ!

Қизимиз Шоирахон!

Бу йилги мучал тўйинг ҳамда 24 ёшинг билан чин дилдан табриқлаймиз. Сенга узоқ умр ва соғлиқ доимо ҳамроҳ бўлсин. Куёвимиз Мирзиёд билан қўша қариб, шириндан шакар фарзандларнинг ота-онаси бўлиб юринглар.

Самимият билан онажонинг Мастура ая,
дадажонинг Анвар ота.



Асал қизимиз Оминахон!

Сени қутлуг уч ёшинг билан чин юракдан қутлаймиз. Азиз бошинг доимо омон, умринг узоқ, бахтинг баркамол бўлсин!

Аҳил ва тотув оиламиз бахтига сиҳат-саломат камолга етмоғингни Оллоҳдан сўраймиз.

Бувижонинг, буважонинг,
Тошкент шаҳри.



«INTER GOLD FRUIT» МЧЖ устав фондини 25 миллион сўмдан 3 миллион сўмга туширганини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

- | | |
|---|--|
| Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун). |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. | Ўзбекистон салонида тайёрлаш — 1 ой. |
| Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой. | Каштачилик — 3 ой (машинадада вышивка). |
| Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт. | Тўқувчилик — 2-3 ой. |
| Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан). | Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой. |
| Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой. | Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой. |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой. | Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар яшаш — 2 ой. |
| Торт олий курси — 1 ой. | Бисердан гуллар, дарахлар яшаш — 2 ой. |
| Уйгур, Европа таом ва салатлари — 1 ой. | Карвинг (мева ва сазбавотлардан композиция яшаш) — 3 ой. |
| Аёллар сартарошлиги — 3 ой. | Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой. |
| Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой. | Барчаси амалиёт билан |
| Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой. | Ётоқхона мавжуд. |
| Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой. | |
| Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. | |

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МЎЛЖАЛ: Юнусобод доҳон бозори бош тарафи ораксидда.


Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рупарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қундузи)

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИДАГИ
“УНСИН МОМО”
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ
ЖАМОАСИ**

**Жонажон юртимиз
фаровонлиги, ободлиги,
бағрикенг, меҳр-мурувватли
халқимиз дастурхонининг
тўкинлиги йўлида фидойилик
намуналарини кўрсатиб меҳнат
қилаётган лафзи ҳалол
фермерларимизни буюк
истиқлолимизнинг 21 йиллик
байрами билан чин дилдан
муборакбод этади!**

21




**Истагимиз, ҳар бир
ошладан қут-барака,
аҳиллик ва ҳамжихатлик
асло аримасин!
Байрам қутлуғ бўлсин, азизлар!**

**Саломатлик — туман бойлик
дўстлар.**


**Унсон бахти-саодати бойлик
билан эмас, унинг жисму
жонининг муостаҳкамлиги,
омонлиги билан йўлланади. Шундай
экан, бизнинг**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
НУРОБОД ТУМАНИ
НУРБУЛОҚ ҚЎРҒОНИДАГИ
“АБУ АЛИ ИБН СИНО”
НОМЛИ САНАТОРИЙ ЖАМОАСИ**

**ҳам халқимиз сўзаш-
саломатлигини ҳимоя қилиш,
тиклаш йўлида
камарбастамиз, десак муболага
бўлмайди. Бунёдкор
ватандошларимизни энг улуғ
айём — Мустақилликнинг 21
йиллиги билан ин қалбдан
қушлаш бағрбарида бағрагимизга
эзгулик, соғлиқ, омад ва бахт
ҳамиша ҳамроҳ бўлишини
тилаймиз.**



**КАТТАҚЎРҒОН ТУМАН
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
МУАССАСАЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК
ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ
ЭТИШ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ**



**Ўзбекистон халқини, соҳамиз
фидойилари ва устоз-
мураббийларни**

**Мустақиллик куни билан
самимий табриқлайди!**

**Сизларга мустаҳкам
соғлиқ, оилавий бахт, фаровон
ҳаёт, мустақиллигимизни
мустаҳкамлаш йўлидаги
фидокорона меҳнатингизда улкан
зафарлар тилайди.**

**Халқимизнинг қадри ва
қаддини юксакларга кўтарган
истиқлолимиз абадий бўлсин!**





ЖИРАФА УЧУН ПОЙАБЗАЛ

АҚШнинг Канзас штатидаги ҳайвот боғларидан бирида икки яшар жирафа яшайди. Гап шундаки, бу жонивор онасидан ногирон бўлиб туғилган.



ди. Яъни, жирафа боласининг орқа оёқлари одатдагидан бироз калта эди. Шу сабаб у тезда ўрнидан туролмас, салга йиқилиб тушар, мувозанатини сақлай олмасди.

Ушанда бу ачинарли ҳодиса кўпчиликини ўйлантириб қўйди. Хаманинг жирафа боласига раҳми келарди. Ҳатто, тезроқ соғайиб кетишидан умид қилишиб, унга "Хоуп", яъни "Умид" деб исм ҳам қўйишди. Ҳайвотот боғи ветеринари Жозеф Крамер жирафага махсус пошналар бёк кийим кийгизиб қўйди. Шундан сўнг Хоуп кийинчиликсиз юра бошлади. Биринчи марта сайр пайтида жирафани маълум муддат онасидан айриб туришди. Она жирафа боласининг нуқсонсиз юришини гўё умид билан кузатиб турарди.

АВТОМАТ САНЧҚИ

1950 йилнинг июл ойида спагетти учун махсус санчқига патент олинган. Бу санчқи автомат тарзда айланиш хусусиятига эга бўлиб, ўзимизнинг чўзма лағмонга ўхшаш спагетти макаронларини ўзига ўраб олади ва ҳўранда учун таомни ейишга қулайлик туғдиради. Колаверса, кўпчилик узун, чўзилувчан хамирларни оддий санчқига ўраб олиш учун сал нотўғри ҳаракат қилса, хамир отилиб, кийимга ёғ сачратиши мумкинлигидан хавотирга тушади. Бу янги автомат-санчқи шу кичик муаммони бартараф этади.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

ФЕРУЗАГА МУНОСИБ ЙИГИТ БОРМИ?

"Оила ва жамият" газетасида мунтазам чоп этиб келинаётган "Бахтли бўлинг" саҳифасини ўқиганимда яқин дугонам Жамилахоннинг қизи Ферузaxon кўз олдимга келади. Битта қиз бўлса шунча бўлар-да, тарбияли, ибo-ҳаёли, одобли. Маҳалладагиларнинг ҳам унга хаваси келади. Дугонамнинг аҳволи менга маълум, сиртига ҳеч нарса-ни чиқармаса-да, ич-ичида қизининг тезроқ бахти очилишини тилаб жони ҳалак.

Феруза ўқиган, олий маълумотли. Ҳозир пойтахтимиздаги касб-хунар коллежларининг бирида дарс берапти. Унинг ёши 25 да. Тўғриси, агар унга тенгқур ўғлим бўлганда ҳечам бегона қилмаган бўлардим. Ёши 25-30 ларда, уйланмаган, иложи бўлса, олий маълумотли, тошкентлик, ақлли, хушли йигит топилса, овоз берсин.

УМИДА ОПА,
Тошкент шахри.

ЭРКАККА ОГИР ЭКАН...

Ёшим 48 да. Тошкент шаҳридаги мебель ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг бирида ишчи бўлиб ишлайман. Маълумотим ўрта. Сизларга хат йўллашимдан мақсад, ўз тенгимни топиб, оила куриш истагидаман. Шу ёшгача икки марта турмуш курдим. Биринчи аёлимдан икки нафар қизим бор. Худого шукур, иккала қизим ҳам бола-чақали бўлиб, ўзларидан тиниб-тинчиб, бахтли яшаб кетишган. Аёлим билан жуда ахил ва бахтли яшардик. Афсуски, умри қисқа экан, огир дардга чалиниб, вафот этди. На илож, эркакнинг йўриги бошқа экан-да, хувиллаган уйда бир ўзим қолганимдан

сўнг, охири яна уйландим. Бу аёл ҳам жуда оқила, яхши фазилатларга эга эди. У билан роппа-роса тўққиз йил тинч-товув яшадик. Лекин қисматни қарангки, ўртамизда фарзанд бўлмади. Мен унга қайта-қайта "ҳеч ўкинма, фарзанд кўрмасанг ҳам майли, бирга яшайверамиз", десам-да, у гапимга унамади. Охири қонуний ажрашдик.

Энди икки оғиз, ўзимнинг турмуш



Бахтли бўлинг!

роитим хусусида: уй-жойим етарли, акамнинг оиласи билан бир ҳовлида истикомат қиламиз. Ҳеч қандай муаммо йўқ. Имкони бўлса, Тошкент шаҳрида яшовчи, 35-45 ёшлардаги оилапарвар, ибo-ҳаёли аёл топилса, хабар берсангизлар.

ШУХРАТ,
Тошкент шахри.

ТАХРИРИЯТДАН:

"Бахтли бўлинг" рункига хат йўллаётган ёки бевосита муурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

САБЗИ

ТабиаТ — дорихона

Фойдали хусусиятлари. Сабзи А витаминига бой бўлган каротиноидлар манбаидир. У организмни юрак тизими хасталиклари ва силдан ҳимоя қилади, шу билан бирга кўриш қобилиятини (айниқса қоронғу тушгач) яхшилайди.

Кунига ҳеч бўлмаса, бир донадан сабзи истеъмол қилиб туриш кашандаларда ўпка силининг келиб чиқишини олдини олади, шу билан бирга сийдик қоғи, простата, йўғон ичак силининг ривожланишини 50 фоизгача сусайтиради.

АҚШнинг Массачусетс штатида катта ёшли одамлар устидан тадқиқот ўтказган олимлар кунига бир маҳалдан сабзи истеъмол қилиб туриш юрак хуружини 60 фоизгача камайитиришини аниқлашган.

Сабзининг каротиноидлари қандли диабет билан оғриган беморларга қондаги қанд миқдорини меъёрда ушлаб туришга ёрдам бериб туради. Каротиноидлар ичида энг машхури — бета-каротин — кўриш қобилиятининг сусайиши, қарияларда кўз хиралашини сабабларини бартараф этишга кўмаклашади.

Фалкаринол — бу ҳам сабзининг силга қарши курашувчи моддаларидан бири бўлиб, у йўғон ичакни ушбу хасталиқдан асрайди.

Зарарли томони. Сабзи ва каротиноидга бой бўлган бошқа маҳсулотларни жуда кўп миқдорда истеъмол қилиш тери рангининг, айниқса, оёқ ва кўл панжаси, қулоқ орти қисмининг саргайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бу унчалик хавфли эмас ва ушбу маҳсулотлар истеъмолини камайитирган ҳолда саргайиш ўтиб кетиши мумкин.

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.



Фойдали маслаҳатлар

■ Куритилган кўзиқоринлардан фойдаланишдан аввал уни 1-2 соат тузли сувга солиб қўйинг, шунда у ўзининг асл ҳолатидагидек бўлади.

■ Биллур идишларингиз ярақлаб туришини истасангиз, уларни дастлаб тузли илиқ сувда ювиб, кейин эса совуқ сувда чайганингиз маъқул.

■ Паркетли полни иссиқ сувда ювиш мумкин эмаслигини унутманг.

■ Арчилик тўғралган олма, нок ва бошқа меваларга лимон шарбати сепилса, улар қораймайди.

■ Турли кўкатларни алоҳида тўғрасангиз, улар таъмини ва хушбўй ҳидини йўқотмайди.

■ Тарвузни яхши пишганини билиш учун унинг устини ялтироқлигига эътибор беринг, чертганда эса ундан тиниқ ва жаранлаган овоз келади.

■ Ичига қийма солинган қарам тузсиз сувда пиширилади, акс ҳолда ундан кўп суюқлик ажралиб, қийма хом бўлиб қолади.

■ Оширма хамир ичига 1-2 дона картошка бўтқасини қўшинг, шунда у юмшоқ ва мазали бўлади.

■ Таги олган қозонни тозалаш ювиш учун туздан фойдалансангиз бўлади. Туз билан ишқалаб, чайиб ташласангиз кифоя.


■ Қайнатилган тухум пўчоғини ташлаб юборишга шошилманг, у гулларнинг парвариши учун энг яхши воситадир.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

ҚўЛЛАР ПАРВАРИШИ

■ Қўлларни оқартирувчи ниқоб: илиқ картошка бўтқаси тенг миқдордаги лимон, бугдой уни билан аралаштирилади. Аралашма қўлларга суртилгач, 10-15 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювиб ташланади. Муолажа кунига бир-икки марта қўллар оқаргунча қилинади.

■ Қўллардаги доғларга: махсус скраб суртилиб, қотгандан



кейин илиқ сувда чайиб ташланади. Сўнг озиқлантирувчи

крем суркалади.

■ Куруқ тери қўлларга: вазелин суртилиб, кечаси билан туради. Эрталаб илиқ сувда ювилади.

■ Ажин тушган қўлларга: бодрингни паррак-паррак қилиб кесилиб ажинли қўлларга қўйиб чиқилади. 10-15 дақиқадан кейин илиқ сувда чайилиб, озиқлантирувчи крем суртилади.

■ Қўл тирноқларини мустаҳкамлаш учун: тузли сувда ванна қилиб, сўнг илиқ сувда чайиб ташланиб, тирноқларга йод

суртиб қўйилади. Ушбу муолажа ҳафтада 2-3 марта қилинса, мақсадга мувофиқдир.

■ Қўллар учун химоя: уч чой қошиқ картошка унини олиб кунгабоқар мойи, ярмидан камроқ миқдордаги глицирин, ярим ош қошиқ сув қўшиб аралаштиради. Тайёр бўлган ниқоб музлаткича сақланади. Уй юмушлари бажариб бўлингандан кейин қўлларга суртилади.

Латофат
САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

ТАРБИЯ:

БИЗ УЧУН Ё ҲАЁТ, Ё...

Оила боладаги эзгу инсоний ғазиллар гунча очадиган муқаддас макон. Зеро, фарзанд тарбияси жамиятнинг бош мақсади ва вазифаси десак асло муболага бўлмайди. Бола феъл-атворидаги ижобий ёки салбий ўзгариш ҳамда кўникмаларни шакллантирувчи омил ота-она тарбиясидир.

Албатта, бунда ген, ирсий белгиларнинг аҳамиятини буткул йўққа чиқариш нотўғри. Ҳар бир бола бетакрор, ўзига хос идрок соҳиби ва унинг руҳиятида озми-кўпми алоҳида сифатлар, лаёқат ва қобилият мужассам. Ушбу ирсий "чашма"ларнинг "кўз"ларини очиб, уни тарбиялаб, тўғри йўналтириш ота-она, устозу мураббийларга катта масъулият юклайди. Боланинг касб-хунар мойиллигини ўз вақтида, тўғри аниқлаш ва уни қизиқчи бўйича соҳага йўналтириш ота-она учун тубсиз хазинани топиш билан баробар. Моддий манфаат эмас, бола имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танланган касб муваффақиятининг асосий калити, десак асло адашмаймиз. Бола руҳий оламини унинг ёшидан келиб чиққан ҳолда тарбиялаб бориш ота-онани сабр, қузатувчанлик каби сифатларни талаб қилади.

Шарқона тарбия фарзандни етти хиҳатдан мукамал этишни асос қилиб олганлиги билан аҳамиятлидир: ақлий, соғлиқ ва бадан тарбияси, гўзал ҳул, ахлоқий, нафс ва диний-руҳий тарбия. Бугунги тезкор замон, ахборот воситаларининг кўпчилиги таълим-тарбияга бўлган шарқона мумтоз муносабатини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бинобарин, аниқ эзгу мақсадга йўналтирилмаган ахборот боланинг мурғак онгини бунёдкор ғоялардан, фойдали фикр-мулоҳазалардан чалғитади. Онда қайта ишланган, қалб "чиғирини"дан ўтган фикрнинг фойдали илмга айланади. Ортиқча ахборот эса онки беҳуда банд қилиб, кераксиз юк-онг безовта қилади, ҳазм бўлмаган ов-

қатдек зарарли таъсир қила бошлайди. Биламизки, ўсмир тафаккури ҳаммавақт ҳам олган ахборотларини тўғри таҳлил этиб, зарур хулосани чиқаришга оҳиб. Бу ўринда ҳам яна ота-онага қўшимча вазифа юкланади. Глобаллашув зурриётларимизни ўзлигига собит, иродали, шижоатли, изланувчан ва ҳар қандай ёт



қояларга нисбатан кучли иммунитетли қилиб тарбиялаш кераклигини тақозо этмоқда.

Бола улғайгани сайин унинг руҳий олами ривожда ташқи муҳитнинг таъсири кучайиб бориши табиий. Демак, болага эътибор ҳам йилдан-йилга шунга мос равишда ортиб бориши керак. Бунда самарали натижага эришиш учун мактаб, маҳалла ва ота-оналарнинг фаол ҳамкорлигини йўлга қўйиш талаб

Долзарб мавзу

этилади. Фикримча, ҳар бир мактаб қошида бола тарбиясига оид ота-оналар ва соҳа мутахассислари, яъни тажрибали педагог-руҳшунослар билан доимий учрашув, савол-жавоб кечалари уюштирилса, кўплаб муаммоларнинг олди олинган бўлар эди. Тараққийданда анча илгарилаб кетган Жанубий Корея, Япония ва Хитойда бола тарбияси, хусусан уни касб-корга тўғри йўналтириш борасидаги хатти-ҳаракатлар психолог маслаҳатсиз олиб борилмайди. Бизда эса бу борада ҳали маълум камчиликлар борки, уларни назардан соқит қилишга асло ҳаққимиз йўқ.

Луқмони Ҳакимдан "Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айбларнинг қай бирига даво топа олмадинг?" деб сўрашибди. Ул зот: "Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим бадфеъллик бўлди", деб жавоб қайтарган экан. Бадфеълликни ирсий нуқсон, бунда ҳатто тарбия ҳам оҳиб, деб ҳисобловчилар қанчалик ҳақ ёки ноҳақлигини билмадимиз, аммо Арасту ўзидаги барча ёмон иллатлардан ўз-ўзини тарбиялаш орқали халос бўлганлиги ҳам бор гап.

Хизмат тақозоси билан Украина, Россия, Литва каби ўлкаларда бўлганман. Ажабки, ўша юрталардаги бирор бир хонадонда ўзбекона тавозе, шарқона одоб каби мукамал маданият намунасини кўрмадим. Ғарб ёшларининг тубанлашиб, ахлоқ-одоб меъёрларидан чекинаётгани келажак учун ҳақиқий фожеа эканлиги ғарб оммавий ахборот воситаларининг энг долзарб мавзуларига айланаётганига гувоҳимиз. Америкалик олими ва адиб Уильям Симмс: "Бизда одобнинг йўқлиги энг зур истеъодларнинг заволига сабаб бўлмоқда", деганида, унинг шарқона тарбияга, одобга ҳурмат-эҳтиромни яққол кўриниб турибди.

Ҳа, аждодларимиздан бизга шундай бебаҳо жавоҳир мерос қолганки, унга айни кунда бутун дунё ҳавас қилмоқда. Уни асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш эса ўзимизга боғлиқ.

Юсуфжон СОЛИЕВ,
ўқитувчи.



ПОЛВОННИНГ БАЙРАМГА ТУҲФАСИ

Ўзбек полвони Мирзобек Раҳматов юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритиб, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб соғва ҳозирлади. Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида дунёнинг қирққа ақин давлатидан тўрт юздан зиёд спортчи иштирок этди. Мусобақада 1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлар 10 вазн тоифасида гиламга қолди.

Истеъдодли полвонимиз Мирзобек Раҳматов юнон-рум кураши бўйича 50 килограмм вазн тоифасида беллашди. Мусобақани иккинчи босқичдан бошлаган ҳамюртимиз мурасосида ўтган беллашувларда грузиялик Иракли Шавадзе ва болгариялик Ёто Христовни мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олди.

Финал йўлланмаси учун баҳсда у эронлик Ризо Хайрулло Хедрийга ютказган бўлса-да, совринли ўринлар учун курашиш имкониятини сақлаб қолди. Навбатдаги баҳсда киргизистонлик Усан Қодиркуловни катта устунлик билан мағлубиятга учратган Мирзобек Раҳматов жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди.

ЕТАКЧИЛАР ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Олий лига – 2012 мусобақаларининг 17-туридан ўрин олган ҳамда марказий учрашув маконига эга бўлган ўйин Қаршида бўлиб ўтди.

Унда маҳаллий «Насаф» жамоаси ўз майдонида Тошкентнинг «Бунёдкор» клубини қабул қилди. Қизиқарли кечган ўйинда 0:0 ҳисоби қайд этилди.

Ўйин ўта кескин курашлар остида ўтди. Айниқса, майдон эгалари кўплаб вазиятлар содир этишди. Игнатий Нестеровнинг маҳорати эвазига «қалдирғочлар» дарвозаси даҳлсизлиги сақланиб қолинди. Жасур Ҳасанов ҳам ўзининг қанотидан хавфли ҳужумларни амалга ошириб турди. Гарчи томонлар тинимсиз ҳужумлар уюштиришдан бўлса-да, стадионга йиғилган мухлислар гол кўра олишмади.

Мақzur дурандан кейин бу икки жамоалар орасидаги очко тўрт очколичка қолди.

Олий лиганинг қолган учрашувлари натижаси қуйидагича:
«Андижон» – «Қизилқум» 5:1, «Олмалик» – «Бухоро» 1:3, «Машъал» – «Локомотив» 1:2, «Динамо» – «Металлург» 3:2, «Пахтакор» – «Шўртан» 0:0, «Нефтчи» – «Навбахор» 3:0.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

АЖРАШИШ ОСОН, ЛЕКИН...

Вояга етмаган болалари ва мол-мулк бўйича нисоси бўлмаган эр-хотинлар ўртасидаги никоҳни бекор қилиш тартиби қандай?

К. Аҳмедова.

— Албатта қиз узатаётган, ўғил уйлантираётган ота-она борки, "Илоё, фарзандларимиз кўша қариб, ўзидан тинсин", дея ният қилади. Лекин, минг афсуски, буни ҳаёт дейдилар. Умр атлашиш синовили йўллар равои, силлиқ кечавермайди. Кимдир осонгина эришилган роҳату фароғатнинг қадрига етмаса, яна кимдир турмушнинг айрим қийинчиликларига бардош беролмай, ортага чекинишга мажбур бўлади.

Никоҳдан ажратиш тартиби Оила кодексининг 42- ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ФХДЭ органлари томонидан амалга оширилади. Яъни, вояга етмаган болалари ва мол-мулк бўйича ҳеч қандай нисоси бўлмаган эр-хотинлар ФХДЭ

Савол-жавоб

ҚАЙТА БЕРИЛАДИ

Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар қандай тартибда берилади?

Н. Қодирова.

бўлимига мурожаат этиб, ариза ёзганидан сўнг уларга ярашиш учун уч ой муддат берилади ва ушбу оилани яраштириш чораларини кўриш учун фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссияларига хабар берилади. Улар ушбу низоли вазиятни имкони бори-ча бартараф этиш учун икки тарафдагилар билан мулоқот олиб боришади. Мабодо яраштириш имконияти йўқ бўлса ўз хулосаларини асослаган ҳолда ФХДЭ бўлимига тақдим этади.

Ўз фаолиятимиздан мисол келтирадиган бўлсак, йил давомида қайд қилинган ажримларнинг 10 фоизини ФХДЭ бўлимидаги ажримлар ташкил этди. Қувонарлиси, улардан қарийб 40 фоизини яраштиришга муваффақ бўлиниган қанчалаб оилаларни сақлаб қолганимизни билдиради.

Саволга Қизилтепа туман
ФХДЭ бўлим мудири
М. ХАЛИЛОВА
жавоб берди.

— Туғилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар фуқаролар ҳолати далолатнома ёзуви қайд этилган тегишли шахснинг ўзига, унинг ота-онаси ёки қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган ишонч қоғозлари асосида бошқа шахсларга берилади. Болаларга ва муомалага лаёқатсиз шахсларга ота-оналарига уларнинг (фарзандликка олганлар) васийлари, ҳомийлари, болаларни ижтимоий ҳимоялаш муассасаси маъмуриятининг аризаси бўйича тақдим этилади. Ота-онаси бўлмаган тақдирда, вояга етмаган шахсларга туғилганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар ушбу шахснинг фотосурати ёпиштирилган, яшаш жойидаги фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи ёки мақzur шахс таълим олаётган таълим муассасаси томонидан берилган маълумотнома асосида топширилади.

Такрорий гувоҳнома олишни хоҳловчи шахс ўзи яшаб турган ҳудуддаги ФХДЭ органига мурожаат этиши мумкин.

Саволга Китоб тумани
ФХДЭ бўлим мудири
Раяно ҚАРШИЕВА жавоб берди.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмун учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темуру кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Шаҳноза РОФИЕВА
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусаҳҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 828. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 6619. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

12 45